

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЬАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЗАРБЛИ ЧОЛҒУЛАРДА (КСИЛОФОН, МАРИМБА) ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

Эркинжонов Ботир

Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Пуфлама ва зарбли чолғулар” бўлими
II босқич магистри
Илмий раҳбар: доцент Измаилов А.М.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Болалар мусиқа ва санъат мактабларида зарбли чолғуларда ўқитиши услубиётлари, ўқувчилар билан ихтисослик фанининг ўтиш назарияси ва амалиёти ҳақида кенг ёритилиб берилган. Қолаверса ксилофон, маримба чолғулари таълими бўйича ушбу созларнинг ижро техникасини ўзлаштиришнинг ўзига ҳос босқичлари санаб ўтилади.

Калит сўзлар: зарбли чолғулар, маримба, ксилофон ансамбль, оркестр, жанр.

Мусиқа –маданий хаётимизда кенг ўрин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда мухим ахамият касб этадиган санъат туридир. Мусиқа тарбияси тарбиянинг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади. У инсонни юксак дид билан қуроллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. Инсон хиссиётiga кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва ғоявий-ахлоқий тарбиялашнинг мухим воситаларидан бири ҳисобланади. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу-Наср ал-Форобий “Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир”¹, деган эди. Мусика инсонга тез таъсир этувчи эмоционал хиссиётни актив ривожлантирувчи воситадир. Инсон мусиқа билан она алласи оркали танишиб, умрбод мусиқадан завк топади ва мадад олади ҳамда инсон рухиятини ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Мусиқадан турли озуқа олиш учун инсон юксак маданиятли, соф қалб эгаси, гўзалликни хис эта оладиган, ўз касбига, Она ватанига меҳр қўйган бўлиши керак. Шу боис ўқувчиларда инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган мусиқа маданиятини тарбиялаш, мусика тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради. Бу олий мақсадни амалга ошириш учун мусиқа ўқитувчисининг олдига қўйилган вазифалар қўйидагилардир:

¹ Тўраназаров Н. «Мусика ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари» Термиз 2006

1. Ўқувчиларда мусиқа санъатига бўлган қизиқиш ва муҳаббатни ошириш.
2. Мусиқий фаолиятлар жараёни бадиий ижодкорлик ва хистуйғуларни ривожлантириш.
3. Асарларнинг бадиий –ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларни ахлокий-эстетик тарбиялаш.
4. Мусиқа дарсларида касб-хунар ва меҳнатга нисбатан ўқувчиларда иштиёқ уйготиш каби ишларни амалга ошириш керак.

Чолғу ижрочилиги санъати мунтазам равишида ривожланиб, сайқалланиб борадиган ижодий жараён бўлиб, ушбу тизимнинг барча босқичларида ёш созанда назарий ва амалий билимларни етарли даражада ўзида шакллантира олиши ҳамда билим кўникмаларни тўлиқ мустахкамлаш имкониятларига эга бўлади.

Хозирги кунда Ўзбекистон мусиқа таълими тизимида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда олий маскан – консерваторияда зарбли чолғулар таълими бўйича маримба, ксилофон чолғуларининг ижро техникасини ўзлаштириш ўзига хос босқичларидан иборат: бошланғич синфда – зарбли чолғулар билан танишиш, таёқчаларни тўғри ушлаш, ижрочиликга хос штрихлар, динамикалар ва чалиш услубларини эгаллаш; оддий машқлар орқали ўқувчилар учун мўлжалланган асарларни ўзлаштириш; ўрта маҳсус таълимида – ксилофон чолғусини ўрганиш билан бир қаторда маримба чолғу ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш, маълум даражада мукаммалликка эришиш; олий таълимда асосан мураккаб ижрочилик техникани янада мукаммаллаштириш, мураккаб ва йирик мусиқа жанрдаги асарларни ўрганиш ва талқин этиш; яккасоз, камер ансамбл ва симфоник ва дамли чолғулар оркестр жамоаларда ижрочилик маҳоратини ошириш ҳамда профессионал ижрочи сифатида шакллантиришdir.

Ксилофон ва маримба чолғу услубларини ўрганиш ва унинг ижро техникасини ёш авлодга ўқитишдан асосий мақсад - ўзбек мусиқаси истиқболини миллий ва умумбашарий мумтоз анъаналарига бевосита боғлаш ҳамда янги мусиқий тафаккурни барпо этишда ўзига хос ижрочиликни устувор йўналиши этиб белгилашдир.

Чолғу ижрочилиги санъати мунтазам равишида ривожланиб, сайқалланиб борадиган ижодий жараён бўлиб, ушбу тизимнинг барча босқичларида ёш созанда назарий ва амалий билимларни етарли даражада ўзида шакллантира олиши ҳамда билим кўникмаларни тўлиқ мустахкамлаш имкониятларига эга бўлади.²

² Икромов И. “Урма зарбли чолғулар ансамбли” Т., 2015

Дастлабки дарсларда ўқувчига чолғу ҳақида умумий ахборот берилгандан сўнг, чолғуда ижро холатини (постановка), созанданинг физиологиясидан келиб чиққан холда тўғри шакллантириш йўлга қўйилади. Ўқувчининг гавдаси, қўллари, бармоқларининг узун калталигини инобатга олиш ўқитувчининг зиммасида бўлиб, унга ўз вақтида эътибор бермаслик келажакда жиддий нуқсонларга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин.

Республикамизда мусиқа ўқитиши методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали ўқитувчиларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларнинг ахамияти катта бўлди. Бадиий педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари тингловчиларларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, мусиқа ўқитиши методикасини эгаллашга ёрдам беришни, асосий мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ ижодий меҳнат қилиш талаб этилади.

Келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларини белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усулларнинг, мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиши методикаси ўқитувчидан истеъодод, қобилияtlари ва иштиёқлар мавжуд бўлиниши талаб этилади, чунки санъат педагогикаси машаққатли ва жуда масъулиятли соҳадир.

Хозирги кунда мусиқа ўқитиши методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки, бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Икромов И. “Урма зарбли чолғулар ансамбли” Т., 2015
2. Ражабий Ж. “Ижрочилик санъати тарихи” Т., 2020
3. Тўраназаров Н. «Мусиқа ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари» Термиз 2006
4. Шукуров Ж. “Жамоа ижрочилиги ва услубиёти” Т., 2012